



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
2-босқич 202-гуруц талабаси

ЖЎРАБАЕВ УЛУҒБЕКнинг

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ»

фанидан ёзган

РЕФЕРАТИ

МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ДАВРИДА МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТНИНГ
ТАШКИЛ ТОПИШИ



Наманган - 2010 йил

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

РЕЖА:

АМИР ТЕМУРНИ ТАРИХ САХНАСИГА ЧИКИШИ.

АМИР ТЕМУРНИ МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ТУЗИШ РЕЖАСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШИ.

АМИР ТЕМУРНИНГ САЛТАНАТНИ БОШҚАРИШДАГИ СИЁСАТИ.

Амир Темурда давлатга, харбий ишларга бўлган ҚизиҚиш жуда эрта уйғонди. У жисмонан жуда баҚувват бўлган. ШарҚона кураш ва муштлашиш усуллари пухта эгаллаган. Чавандозлик унинг энг яхши кўрган машҚи бўлган.

Темурнинг шахсий Қиёфаси, куч-Қудрати тўғрисида Ибн Арабшохнинг Қуйидаги иборалари ғоятда асослидир. «Амир Темур жисму-жасади келишган, Қадди-Қомати тик, узун бўйли, гўё Қадимги пахлавонлар авлодлари мисоли бўлиб, боши катта, ғоятда кучли ва салобатли, оҚиш юзини оч Қизил ранг жонлантирган билан ҳеч бир доғсиз, буғдойранг эмас. кўл оёҚлари баҚувват, елкалари кенг, ўнг оёҚ-Қўли чўлоҚ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шамдек бўлсада, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди. У ўлимдан ҚўрҚмас, ёши саксонга етган бўлсада, изтиробсиз, вазмин бўлиб, хазил-мазах ва ёлғонни ёҚтирмас, гарчи унда ўзига озор етадиган бирон сўз бўлса ҳам хаҚиҚат унга

ёҚар эди. У бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва Қўлга киритиладиган ютуқлардан шодланмас эди»¹.

СохибҚирон Амир Темур тарихан ўта мураккаб вазиятда-XIV асрнинг 60-йилларида сиёсат майдонига чиқди. Бу даврда Чингизхон авлодлари ўртасида тожу-тахт, давлат ва мол талашилар шу даражада кучайиб кетдики, бу Чиғатой улусига Қарашли худудларга феодал тарқоқликнинг янада чуқурлашувига сабаб бўлди. Махаллий хокимларнинг ўзбошимча ҳаракатлари натижасида Чиғатой улусига Қарашли Мовароуннахр худудида ўнлаб мустақил бекликлар вужудга келди.

Шахрисабзда-Хожи Барлос, Хўжандда-Боязид Жалойир, Балхда-Амир Хусайн, Шибирғонда – Мухаммад Аперди Найман, Кўхистонда-амир Сотилмиш, Арханг саройда – Ўлжой Аперди ва бошқалар ўзларини хокими мутлақ деб хисоблашарди.

Бир ёқдан мўғул хонлари ўтказаетган зуғумлар, иккинчи томондан эса – махаллий хокимлар ўртасида тўхтовсиз давом этаётган низо ва урушлар ўлкани мушкул ахвоолга солиб, оддий халқ оммасининг турмушини оғирлаштирибгина Қўйгани йўқ, Айни замонда бой ва зодагонларнинг манфаатларига ҳам путур етказди. Шу боисдан ҳам ўлкада феодал тарқоқлика бархам бериш, марказлашган кучли давлат барпо эти шва сўнгра мўғуллар истибдодидан озод бўлишга интилиш ғояси тобора кучайиб борди. Халқни нг анна шу хошиш иродасини биринчилар Қаторида тушунган махаллий хокимлардан бири Хожи Барлосдир¹.

Кеш (Шахрисабз) хокими Хожи Барлос – туркларнинг барлос Уруғидан бўлиб, Амир темурнинг амакиси эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1358 йилда амир қозоғонни нг ўғли Абдуллохга Қарши кураш бошлаган мўғул амири Баён сулдуз ёнида Хожи Барлос ҳам бўлган. Улар амир Абдуллохга Қарши итифоқ тузиб, Қўлга киритилган вилоятларни ўзаро тақсимлаб олиш шарти билан курашганлар. Улар ўз ниятларини Қсман амалга оширдилар. Баён Сулдуз билан Хожи Барлосдан енгилган Абдуллох Андараб томонга Қочиб кетади. Баён Сулдуз билан Хожи Барлос Мовароуннахр ерларининг бир Қисмини эгаллаб оладилар ва уни ўзаро тақсимлаб идора эта бошлайдилар. Хожи Барлосга Кеш вилояти тегади. Анна шу тариқа 1358 йилда Қарийиб бир ярим асрдан сўнг Мовароуннахрнинг бир Қисмида хокимиятни бошқариш махаллий ахоли вакили Қўлига ўтади.

Шу пайтга Қадар дарслик ва адабиётларда бу масала етарли даражада ёритилмай келинган. Тарих дарсликларини ўқиган ўқувчидан «Мовароуннахрда Махмуд таробий Қўзғолонидан сўнг мўғулларга Қарши ҳеч - Қандай ҳаракат бўлмаган», - деган бир фикр пайдо бўлар эди. Тўғри адабиётларда XIV асрнинг 30-йилларида Хуросонда махаллий ахолининг ватанпарвар ва илғор Қисми бўлган сарбадорлар (мўғулларга Қарши курашда ўз бошларини дорга тикишга рози бўлганлар) мўғуллардан кичик бир худудни озод Қилганликлари, ўз давлатларини барпо этиб, хатто Сабзавор шахрини бу давлатнинг пойтахтига айлантирганликларини таъкидланади. Аммо уларда

¹ Амир Темур тарихи, к. 2-Ж Т. Мещнат, 1992.

¹ Ш.Каримов, Р. Шамсутдинов. Социб=ирон Амир Темур ва унинг салтанати. «Андижон», 1995. –Б.18.

шахрисабз беклигининг Мовароуннахрда (1361-1362 йил оралиғида Самарақандда ҳам сарбадорлар мўғулларни тор-мор қилиб, хокимиятни қўлга киритганлар) 140 йиллик мўғуллар хукмронлигидан сўнг биринчи бўлиб озодликка эришганлиги хақидаги муҳим масала четлаб ўтилган. Холбуки, сарбадорлар харакати таъсири остида Мовароуннахрнинг Самарқанддан бошқа шаҳарларида ҳам, хусусан Кеш беклигида аҳолининг катта бир қисми эрк ва озодлик учун ғайрат камарини маҳкам боғлаган эди. Хатто, бу харакатга нисбатан хайрихоҳлик билан Қараганлар сафида Темур ҳам бўлганлиги унинг кейинги фаолиятида яққол кўзга ташаланади.

Темурбек мўғуллар Мовароуннахрга 1360 йил биринчи бор бостириб келгандаёқ, ҳеч иккиланмай мамлакат ва халқи билан бирга бўлди, душманга қарши кураш олиб боришга қарор қилди. Дастлабки пайтларда Қудратли душман билан бир ўзи курашиш имкониятига эга эмас эди. Мовароуннахрнинг Хожи Барлос, Баён Сулдуз, Боязид Жалоир сингари катта амирларининг бир қисми туғлуқ Темурхон хизматига ўтган эдилар. Ўшанда Темурбек ҳам ҳеч иккиланмасдан мўғул хонининг хузурига боришга мажбур бўлди, чунки вазият оғир ва шуни тақозо этарди.

Амир Темур бу тадбири билан мўғулларнинг асосий кучларини Мовароуннахрга ичкариламасдан туриб, уларни тўхтатиш ва эл-юртни таҳқирлашлардан асраб қолиш эди. Темурбек бунга маълум даражада эришди. Хон унга ота юрти бўлмиш Кешни, то Жайхун бўйигача бўлган ерларни қўшиб берди ва унинг маслахати билан иш тутадиган бўлиб қолди. Бу хақида Темур тузукларида шундай дейилган эди: «Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан».

Хақиқатан ҳам Амир Темур халқ тарафида бўлади. Масалан: бир куни амир Бекчик, Хожибек ва Улуғ Туғтемир бошчилигидаги мўғуллар қарши ва /узр атроғидаги қишлоқларни талон-тарож қилганини хонга арз қилганида хон амирларни тийиб қўйган. Хон амирларни бундан буён Мовароуннахрга боришларини ман қилди.

Туғлуқ Темурхон Мўғулистондаги нисозлик ва айрим бекларнинг исёни туфайли Мовароуннахрни ўғли Илёсхўжага 1360 йил кузида топшириб ўз юртига қайтиб кетади. У кетгандан кейин Темурбекнинг Илёсхўжа билан муросаси келишмай қолади. Хон уни катта амирликдан четлатиб, қўшин тўпловчи этиб тайинлайди.

Бош амирлик лавозимига ўзининг эски амири Бекчикни тайинлайди. Кейинроқ Бекчик ва хон чорасини топиб амир Темурни йўқотиш пайига тушадилар.

Улар туғлуқ Темурхонга хат ёзиб, «Темур бизга қарши исён кўтарди», - деб ном аёздилар. Хон бу ёлғон гапларни чин ҳисоблаб, Темурни йўқотиш хақида ёрлиқ юборади. Аммо бу ёрлиқ Амир Темурнинг қўлига тушиб қолади. Ушбу ёрлиқда Амир Темурни ўлимга маҳкум этилган эди.

Шундан кейин Амир Темур бирмунча вақт Хоразм ва Туркманистон чўлларида жон сақлайди. 1362 йили Амир Хусайн билан биргаликда теварак атроғида юрган баъзи амирларни ҳам тўплаб, мўғулларга қарши курашни давом эттирди.

Иттифоқчилар-Темурбек ва Амир Хусайн Абу Саид ва мингли Буға бош бўлган уч минглик мўғул Қўшинини Балх жилғасида тор-мор келтирадилар. Бу уларнинг мўғуллар устидан Қозонган биринчи йирик ғалабаси бўлди. Шундан кейин улар Балхни ҳам эгалладилар.

Темурбек ва Амир Хусайннинг бу ғалабаси тез орада Мовароуннахрнинг тоғутош, чўлу-биёбонларда яшириниб юрган амирларига ҳам етиб боради.

Уларнинг баъзи бирлари иттифоқчиларни Қидириб Термиз атрофига келадилар.

Лекин Темур ва Хусайн улар билан Қўшилиш чораларини кўрмайдилар.

1362 йилдаги ғалабадан кейин Амир Хусайн Балхда Қолади. Амир Темур эса курашни бир ўзи давом эттиради. 1362 йилнинг кузи СохибҚирон Хисор вилоятида турган мўғулларнинг катта Қўшинини енгади. 1363 йили у хатто она юрти Кешни ҳам Қўлга киритади ва шаҳарнинг бузилиб кетган ерларини таъмирлайди.

1363 йили Туғлуқ Темур вафот этади ва бу Амир Темурга жуда Қўл келади, чунки Илёсхўжа Мовароуннахрни тарк этади.

1365 йили Илёсхўжа катта Қўшин билан яна Мовароуннахрга бостириб киради.

Икки ўртадаги бу жанг тарихда «лой жанги» номини олган бўлиб, Тошкент билан Чиноз оралиғида бўлиб ўтган. Бунда Илёсхўжага Қарши Амир Темур ва Хусайн жанг Қилади. Аммо жангда Амир Хусайннинг Қатъиятсизлиги туфайли иттифоқчилар енгиледи. Мўғуллар эса жиддий Қаршиликка учрамай мамлакатнинг чиқарисига бостириб киришда давом этдилар.

Мамалакат яна четдан келган душман оёғи остида Қолган ўша оғир кунларда халқнинг нонини еб, тузини ичган амирлар жонини сақлаб Қочиб Қолдилар. Лекин эл-юрт химоясиз қолмади.

Мўғулларга Қарши курашда СамарҚанддаги сарбадорлар халқнинг жонига оро кирдилар. Бу Қўзғолон 1365 йил июнь ойининг охирида СамарҚандда бўлиб ўтади. Унга СамарҚанд мадрасаларидан бирининг мударриси Мавлонзода, пахта титувчи Абубакр Калавий ва мерган йигит Хурдак Бухорийлар бошчилик Қилоди.

Сарбадорларнинг етакчилари, хавф-хатар кучаймасдан унинг олдини ола билдилар. Улар дархол шаҳар масжиди жомийга йиғиб юз берган ахволни ўртага солдилар. Ўшанда халқ яқдил бўлиб Мавлонзодани ўзларига раҳнамо этиб сайладилар. Абубакр Калавий билан Хурдак Бухорий унинг ёрдамчилари этиб тайинландилар. Шундан кейин сарбадорларнинг етакчилари шаҳар мудоваасини ташкил этиш ва душманни тор-мор этиш режасини тузиб олдилар ва Курол кўтаришга сафарбар Қилдилар.

Сарбадорлар кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаб, шаҳарнинг кириш чиқиш ерларини мустахкамладилар. Катта-кичик кўчаларни у ер, бу еридан тўсиб ёнига тош ва темир парчаларини уйдилар.

Эртаси куни Мавлонзода ва унинг ўринбосарлари муҳим бир Қарорни-шаҳарда хоқимият шу кундан эътиборан сарбадорлар Қўлига ўтганлиги, божу хирож ва бошқа солиқларнинг миқдорини бирмунча камайтирилгани, ислом дини жорий этилганига 700 йил бўлганига Қарамай, ҳамон халқдан ундириб келинаётган жизя солиғи бекор Қилинганлиги ва Қул меҳнати бир Қадар енгиллаштирилганлиги хақидаги Қарорни эълон Қилдилар.

Шундай Қилиб СамарҚандда хокимият халҚ Қўлига ўтди. Лекин СамарҚанд сарюадорлари, Хуросон сарбадорларидан фарҚли ўлароҚ ўзларини подшоҳ деб эълон Қилмадилар. Хукумат ишларини жамоа бўлиб адо этдилар.

Тез орада Илёсхўжа ва мўғуллар шаҳарнинг «Шохи Зинда» шох кўчасида пайдо бўлдилар. Улар шаҳарни лашкардан холи, бўм-бўш хисоблаб бамайлихотир келар эдилар. Кўча бошида унинг икки тарафига Қўйилган пистирмадагилар уларни сездирмай ўтказиб юбордилар. Лекин мўғуллар кўчанинг у ер бу ерига Қўйилган тўсиҚларга дуч келдилар. Ана шундай тўсиҚлардан бири Чорсуга яҚин ерда эди. Мўғуллар тўсиҚҚи ўт Қўйиб, ёндириб юбормоҚчи бўлдилар. Лекин кўчанинг икки тарафига Қўйилган пистирмалардан ёғдирилган ўҚ ёмғирига дуч келиб, уларнинг кўпчилиги отларидан Қулаб ер тишладилар.

Шундан кейин мўғуллар манжаниҚларини ишга солдилар ва шаҳарни бомбардимон Қилишга киришдилар. Бунинг натижасида кўплаб уй-жой, айниҚса масжиду мадрасалар вайрон Қилинди, тинч аҳолидан кўп одам ўлдирилди. Лекин СамарҚанд ва унинг Қахрамон халҚи таслим бўлмади. Аксинча каттаю-кичик жон-жаҳди билан курашни давом эттирди.

Бир сўз билан айтганда, босҚинчиларнинг СамарҚанд ва унинг халҚини тиз чўкдириш учун Қилган барча уринишлари беҳуда кетди. Бунинг устига шу пайтда мўғул отлари орасида «ўлат» касали тарҚалади.

«Зафарнома» муаллифи Шарофиддин Али Яздий келтирган маълумотларга Қараганда, ўшанда тўрт отлиҚ мўғулнинг фаҚат биттасида от Қолди, холос. Бундан ташҚари худди шу пайтда Мўғулистонда Илёсхўжага Қарши Қўзғолон бошланади. Шунинг учун ҳам мўғуллар Қолган Қутган лашкарини олиб, мамлакатимиздан чиҚиб кетишга мажбур бўладилар.

Сарбадорлар кўп сонли ва яхши Қуролланган душман устидан ғалаба Қиладилар. Лекин сарбадорларнинг хукмронлиги бир йилдан нарига ўтмади. Келаси йили (1366) Амир Хусайн Конибил тепалигида хиёнаткорона иш тутди. Унинг амри билан Абубакр Калавий билан Хурдак Бухорийлар ўлдирилади. Мавлонзодани Амир Темур ҚутҚариб Қолади.

Темурбек Амир Хусайн билан 1362 йили бирлашганда фаҚат бир маҚсадни-мамлакатни мўғуллар истибдодидан озод Қилиш ва Чиғатой улусининг бирлигини тиклашни ўз олдига маҚсад Қилиб Қўйган эди. Амир эса. Бобоси амир қазағанга ўхшаб, фикру ёди олий хокимиятни Қўлга киритиб олиш ва Чиғатойхон тахтини эгаллаш бўлди. 1365 йили ва ундан кейин бўлиб ўтган воҚеалар буни яҚҚол исботлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Темурбек аввал ва хокимиятни Қўлга киритганидан кейин ҳам олий хокимиятга интилмаган. У Чиғатойхон наслидан бўлган кишиларни яъни БуёнҚулихон, Суюрғотмиш ва Султон Махмудни Қўллаб-Қувватлади. Ўзини эса. ФаҚат амир деб атаб келди. Чунки, у турк-мўғул халҚлари ўртасида Қонун тусига кирган «ёсо» ва «юсунга» риоя Қилди. Хуллас, ўша «жанги лой» воҚеасидан кейин ўртага тушган совуҚчилик бора-бора душманчиликка айланди. Улар очиҚчасига бир-бирини махв Қилиш йўлига ўтдилар. Бунга айниҚса амир Хусайн астойдил бел боғлади.

Амир Хусайн 1365 йилиёҚ соли Саройдан Балхга кўчиб ўтди ва унинг Қалъа, девор ва истехкомларини мустахкамлашга киришди. Бир сўз билан айтганда, хар иккала амир катта ва хал Қилувчи урушга хозирлик кўра бошладилар. Балх устига юриш 1370 йил 15 март куни эрта тонгда бошланди. Термизга яҚинлашганларида, ундан уч фарсах (18-21 км) берида жойлашган Биё Қишлоғида, андхуд сайидзодаларидан сайид Барака хазрат сохибҚироннинг олдига пешвоз чиқдилар ва унга хамманинг олдида ноғора билан байроқ тутқиздилар. Байроқ билан ноғора мусулмонларнинг одатига кўра, тожу тахт рамзи бўлиб, уни олий мартабали рухонийнинг Қўлидан олиш тез орада унинг тож-тахт ва салтанат эгаси бўлишлигига ишора эди.

Амир Темурнинг Балхга юришида сўнгги манзили кўхи шодиённинг ғарбий этагидаги, Балхоб дарёси соҳилида жойлашган Элбурз Қалъаси бўлди. Темурбек ва унинг Қўшинлари «Ийди рамазон»ни шу ерда кутиб олдилар, сўнг Қурултой чақирилиб Чингизхон наслидан бўлмиш Суюрғотмиш ўғлон (1370-1388) хон этиб сайланди.

курултойнинг эртасига Темурбек Қўшинини олиб балх устига Қараб юрди. кўшин таркибида Жоку барлос, Баён Сулдузнинг ўғли шайх Мухаммад, Шибирғон хокими Мухаммадхўжа апердининг ўғли Зинда Чашм бор эди. Замондош тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг сўзлари билан айтганда «Темурбекнинг байроғи остига шу Қадар кўп лашкар тўпланган эдики, унинг савлатидан тоғу-тош ва дашту биёбонлар ларзага келди».

1370 йил 5 апрель куни Балхнинг Хиндувон деб аталмиш ташқи Қалъаси Темурбек лашкари тарафидан Қуршаб олинди. қалъанинг жануб тарафидаги Навбахор дарвозаси Қаршисига Умаршайх Мирзо билан Жоку Барлос, шаҳарнинг кун чиқиш тарафидаги Хиндувон дарвозаси Қаршисига амирзода Жахонгир билан амир Оқ Буға, шаҳарнинг кун ботар тарафида жойлашган Дарби воқеа дарвозасига амир Довуд билан амир Муайяд, шимол томондаги хиёбон дарвозасига амир Сор Буғо билан Хусайн баходир Қўшини билан Қўйилди.

Балхнинг ташқари шаҳари Хиндувон учун бошланган шиддатли жанглар икки кун давом этди. Иккала тараф хам катта талофот кўрди. Оғир жанглاردан бирида Темурбекнинг ўн олти ёшга кирган ўғли Умаршайх Мирзо оёғидан ярадор бўлди.

Урушнинг иккинчи куни хиндувон дарвозаси тарафдан шаҳарга Қаттиқ зарба урилди. Жахонгир Мирзонинг бир гурух йигитлари кечга яҚин даришга сазовар бўлдилар. Бошқа дарвозалар Қаршиси олиб борилаётган жанглар хам мувофаққиятли борди.

Охир-оқибат Қамалдагиларнинг ахволи оғирлашди. Ортиқча Қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканлигини Амир Хусайн хам тушунди. Нима Қилиб бўлса хам жонини омон сақлаб Қолиш пайига тушди ва Темурбек хузурига сулх сўраб элчи юборди. Хазрат сохибҚирон агар у ўз ихтиёри билан таслим бўлса, уни омон Қолдиришга сўз берди. Шундан кейин Амир Хусайн дарвозадан чиқиб Темурбекнинг ўрдаси томон йўл олди, лекин ваҳима ва Кўрқув босиб йўлидан Қайтди ва дарвоза ёнидаги минбар ичига кириб яширинди. Лекин уни топиб олдилар ва Қўл-оёқларини боғлаб, Темурбекнинг ўрдасига келтирдилар.

Амир Темур эса «мен уни Қонидан кечганман ва ундан интиҚом олиш тарихига чизиҚ тортганман», - дейди.

Шундан кейин Амир Кайхусрав Хатлоний хаҚиҚат сўраб, бир ваҚтлар унинг укаси КайҚубодни ўлдирган Хусайнни таҚдирини менга топширинг деб илтимос Қилсада сохибҚирон ўз сўзида Қатъий турди. Аммо Кайхусрав Хусайнни ўлдирганида унга эътироз билдирмайди. Бу воҚеа 1370 йил 12 апрель куни содир бўлди.

Амир Темур Хусайн устидан ғалаба Қозонгач, бутун Мовароуннахрни ўз Қўли остига бирлаштиради. Балхда чаҚирилган Қурултойда Темур Чиғатой салтанатининг вориси деб эълон Қилинади. Лекин ўша даврдаги вазиятни хисобга олиб ва мўғулларнинг Қаршилигини кучайтирмаслик маҚсадида хон тахтига Суюрғотмиш ўтҚазилган эди. Амалда эса СамарҚанд тахтини сохибҚирон Амир Темур томонидан бошҚарилган.

СохибҚирон Мовароуннахрнинг ягона хукмдори бўлиб олгач, буюк салтанат барпо Қилишни ўз олдига маҚсад Қилиб Қўйди ва бу ишни аста секинлик билан амалга ошира бошлади.

Харбий Қўмондонга бериладиган энг холис бахо-унинг жанглarda эришган ғалабасидир. Шу нуҚтаи назардан Темур тарихидаги буюк саркардалар орасида алохида ажралиб туради.

Амир Темур 1371-1404 йиллар орасида Мўғулистон, Эрон, Озарбайжон, ИроҚ, Шом (Сурия), Хиндистон, Гуржистон, Арманистон, Кавказ орти ўлкалари устига харбий юришлар Қилди. Биз узоҚ ўтмиш, эски замон ижтимоий-иҚтисодий тараҚҚиётининг Қонунияти ва ўша замонлардаги хукмрон мафкурадан келиб чиҚадиган бўлсак, бундай урушларнинг объектив Қонуниятлари борлигини очиҚ англаймиз.

Биринчидан, Қадим замонларда ва ўрта асрларда ўтган хонлар ва подшоҳлар ўз ижтимоий табаҚасининг намоёндалари. Ўша бой-бадавлат табаҚалар тарафидан тахтга ўтҚазиб Қўйилган кишилар эдилар. Мадомики, шундай экан, улар ўз табаҚасининг маҚсад ва манфаатларини химоя Қилишлари, яъни катта урушлар олиб бориб, уларнинг ер-сувларини кўпайтиришлари мўмай ўлжа олиб, уларнинг бойлигига Қўшимча бойлик Қўшиб, уларнинг иҚтисодий салохиятини оширишлари керак эди. Бунинг уддасидан чиҚолмаган хон ва подшоҳларни улар тутиб турмас ва тахтдан улоҚтириб ташлаб, ўзларига кераклисини ўтҚизар эдилар. Тарихий манбаларда бу хаҚда кўп мисоллар бор. Иккинчидан, ўша замонлардахонлар ва подшоҳлар орасида жахонгирлик яъни, жахонга хоким бўлиш, ҳеч бўлмаганда унинг Қисмини бўйсундиришга интилиш одати бор эди. Масалан, Искандар ЗулҚарнайн, Юлий Цезар, Чингизхон мана шундай хукмдорлар жумласидан эдилар.

Амир Темурнинг жахонгирлик фаолиятида хар икки омил хам маълум даражада мавжуд. Лекин масалага хаҚҚоний ёндошадиган бўлсак, Темур фаолиятида мамлакатнинг тинчлиги ва барҚарорлигини таъминлаш, яъни уни ташҚи душмандан химоя Қилиш, ўз халҚи, Ватанини жахонга машхур этиш истаги асосий ўринни эгаллаган.

Мамлакатимизнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ахволига бир назар ташлайлик, Чингизхон хуружидан тери шаҳарларимиз вайрон, дехҚончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиҚ тушкун бир ахволда Қолган эди. НафаҚат

Мовароуннахр, балки Қўшни мамлакатларда ҳам феодал тарҚоҚлик, парокандалик ва ўзаро урушлар авжига минган, айрим харбий сиёсий гуруҳларнинг нафаҚат ўзларининг яҚин Қўшнилари ерларига, балки Мовароуннахр устига ҳам Қилган талон-тарожлик хуружлари кучайган эди. ХалҚимизда «Қўшнинг тинч-сен тинч», деган наҚл бор. Қўшни мамлакатлар тинч бўлмагандан кейин, Мовароуннахрда тинчлик, барҚарорлик, иҚтисодий маданий юксалиш ҚаёҚдан бўлсин?!

Амир Темур ўзининг ички ва ташҚи сиёсатида асосан мана шу омилга суяниб иш тутди. Тўғри. Амир Темур кўп йиллик курашлардан кейин ўз юртида феодал тарҚоҚлик ва парокандаликка бархам беришга, эл-юртни мўғуллар истибдодидан озод Қилишга, марказлашган давлат тузиб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштириди. Лекин фаҚат биргина шунинг ўзи билан тинчлик ва барҚарорлик Қарор топмайди. Мамлакатнинг ички ахволи яхшиланмайди, унинг халҚаро обрўси ортиб Қолмайди.

Бунинг устига Чингизхон хуружидан бери нафаҚат Мовароуннахр, балки мўғулнинг оёғи теккан барча мамлакатларнинг иҚтисодий ахволи оғир, сиёсий вазият ёмон эди.

Амир Темур ўтқир сиёсатчи одам бўлгани учун бу вазиятни тўғри баҳолади, унга алоҳида эътибор берди. АйниҚса. Мамлакатимизнинг теварак-атрофидаги вазиятни яхшилаш чора-тадбирларини кўрди. Фактларга мурожат Қилайлик. Мовароуннахрнинг шарҚий-шимолий тарафида жойлашган Мўғулистонни олиб кўрайлик 1369 йили Илёсхўжахон ўлдирилгандан кейин бу мамлакатда ҳам феодал тарҚоҚлик ва ўзаро урушлар кучайиб кетди. Мамлакатнинг шарҚий Қисмида дуғлат амирларидан камариддин, Еттисув ва Чу тарафларида анҚо тўра, ИссиҚкўлатрофидаги ўлкаларда Мир Каримберди, мамлакатнинг яна бир тарафида Мир ХаҚберди ўзига хон, ўзига бек бўлиб олган эдилар. Улар тез-тез Сайрам ва Тошкент, Туркистон ва Фарғона устига босҚин уюштириб, тинч аҳолини талон-тарож Қилар эдилар. Масалан, камариддин ва Мўғулистон беклари Темур салтанатининг дастлабки йилларида Тошкентни босиб олдилар. XIV асрнинг 80-йиллари бошларида улар Андижон устига бостириб келдилар, унинг теварак-атрофидаги ерларни талон-тарож Қилдилар, шаҳарнинг ўзини эса бир ҳафта мобайнида Қамал остида тутдилар.

Мамлакатимиз жанубида-Эронда, ИроҚ, Озарбайжонда ҳам вазият ёмон эди. 1336 йилдан кейин, яъни Элхонийлар давлати (1256-1335 йиллари Эрон билан Озарбайжонни идора Қилган мўғул сулоласи) инҚирозга учрагандан кейин Эрон, Озарбайжон ва ИроҚ ҳам феодал тарҚоҚлик ва ўзаро урушлар гирдобида Қолдилар. Масалан, Хуросонни сарбадорлар (1337-1381 йилларда идора Қилган) Картлар (/ур билан Хиротни XIII-XIV асрларда идора Қилган), ЖонҚурбоний (булар Обивард, Сарахс ва Нисони идора Қилган ғалмоҚ Қавмидан чиҚқан сулола) Қавмининг амирлари бўлишиб олдилар.

Эроннинг жанубий Қисмида Музаффарийлар сулоласи, Журжон устидан эса яна бир маҳаллий сулола Саййидлар, ироҚ билан Курдистон устидан Жалоирийлар, Катта ва Кичик Луристон устидан Хоразспийлар ва инжу сулоласи, Озарбайжонда қора Қуюнли туркманлари ўз хукмронлигини ўрнатдилар. Фожеа шунда эдики. Улар ўртасидаги муносабат кўпроҚ ўзаро

келишмовчиликлар ва душманлик рухида давом этарди: ўзаро зиддиятлар ва уруш-талашлар кучайган эди.

Мовароуннахрнинг шимолий ва ғарбий томонларида ҳам нотинчлик ҳукмрон эди. ОҚ Ўрдада ҳам, Олтин Ўрдада ҳам вазият яхши эмас эди. Мазкур давлатларда Темур Малик, Тўхтамиш, Урусхон, Пўлатхон ва Қудратли амир Идику (Едигей) манғит ўрталарида ҳокимият учун муросасиз кураш давом этарди. Дашти Қипчоқ ўзбекларнинг Мовароуннахрга шимол ва ғарбий шимолий тарафлардан таҳдиди ва талончилик хуружлари кучайган эди. Темурбек тахтга ўтириши боиси ўлароқ ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда содир бўлган ижлбий ўзгаришлар ўз ифодасини харб ишида ва харбий санъатда ҳам намоён этади.

Асосий карвон йўллари устидан назорат ўрнатиш улус Қудратини янада ошириш, халқ турмуш тарзини яхшилаш сингари устивор мақсадлар йўлида Темурбек ўша даврда тенги йўқ харбий кучлари билан Жата, Эрон, афғонистон, Кавказ, ироқ, Шом, Миср. Дашти қипчоқ, Шимолий Анадўли, Хиндистон каби минтақаларга бир неча бор Қўшин тортиб борди ва оламшумул зафарлар Қучди.

Харб тарихи Темурбекни жахоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида хақли равишда тан олади.

Унинг харбий истеъдоди асосан икки йўналишда: мохир харбий ташкилотчи ва атоқли харбий саркарда тарзида ёрқин намоён бўлди.

Дунёнинг 27 мамлакатини забт этишда Амир Темурнинг Қўшини ва унинг харбий санъати бош омил бўлди. Унинг ғолибона юришларида Қўллаган тактик ва стратегик жанг Қилиш услублари бугунги кунда ҳам жахондаги етакчи мамлакатларнинг харбий билим ва академияларида ўрганилади ва ўқитилади.

Амир Темур Қўшинлари асосан пиёда ва отлик аскарлардан иборат эди. Улар «ўнликлар»-(«айл»), «юзликлар»-(«Хўшун»), «мингликлар»-(«хазора») ва «ўн мингликлар»-(«туман»)га бўлинган. Уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши ҳамда амирлар бошчилик Қилганлар. Туманларда аскарлар сони ўн минг, Қўшинда эса 100 мингдан бўлган. Ўн минглик лашкарни бошқариш учун «тумон оғаси», минглик бўлимни «мирихазора», юзликни «хўшунбоши» ва ўнликни бошқариш учун «айлбоши» каби харбий мансаблар ташкил Қилинган.

Бўлинма бошлиқлари-амирлар Темурга тобе бўлган Қирқ аймақ (Қабила)дан ўн иккитаси: барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдуз, тўғой, Қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар орасидан танлаб олинган. Энг улуғ мартаба амирлик бўлиб, Темур фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб уни тарк этмасдан содиқлик билан хизмат кўрсатган 313 кишига берилган: биттаси амир ул-умаро, тўрттаси беклар беги, юзтадан мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган. Булардан ташқари, яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвони берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг ноиб хисобланган. Ўн икки амирнинг хар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, ўн минглик Қўшин, туғ ва чортуғ, тўрт нафар беклар бегининг хар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу (карнай) берилган.

СохибҚирон турк-мўғул халқлари, хусусан Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш амалларини атрофлича ўрганиб, тахлил Қилади ва зарур ўзгартиришлар киритади.

Темурбек барпо этган армиянинг тузилиши Чингизхон тузган Қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, бироқ Қуйидаги муҳим жихатлари билан фарқланар эди:

Чингизийлар Қўшини ялпи мажбурият асосида харбий хизматга чақириладиган халқ лашкаридан иборат бўлган холда, Темурбек армияси умумхалқ характерига эга эмас эди.

Чингизхон даврида Қўшин асосини кўчманчи омма ташкил Қилган эди.

Темурбек Қўшинига олий бош Қўмондон кўрсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар Қатори косибчилик, хунармандчилик, дехқончилик билан машгул ўтроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган.

Темурбек Қўшинида харбий кучларнинг асосини ташкил Қилувчи отлич аскарлар билан бир Қаторда пиёдалардан тузилган Қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон Қўшини, забт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган хашарни ҳисобга олмаганда, пиёда аскарларга эга бўлмаган.

Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт сочар Қурол, яъни тўп-раъдни олиб кирди.

СохибҚирон тоғли худудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус харбий Қисмларни ташкил Қилди.

Темурбек жаҳон харб санъати тарихида биринчи бўлиб Қўшинни жанг майдонида етти Қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.

Темурбек армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркалар билан бир сафда турган, Қахрамонлик ва матонат намуналари кўрсатган.

Темурбек Қўшини таркибини Мовароуннахр, Дашти қипчоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғулистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари ерлардан йиғилган аскарлар ташкил Қилар эди.

Унда мунтазам Қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди: Қўшин сон жихатдан аниқ ва пухта ташкил Қилинган, унинг жанговар тартиби-ясол жангдан-жангга такомиллаштириб борилган, армия ўз замонасининг илғор Қурол ва техникаси билан Қуролланган, айнан бир турдаги Қурол-яроғ, аслаханжом билан таъминланган, Қисмлар бир-биридан кийим-боши, тутган байроқ ёки туғи орқали ҳам фарқланган. Бундай ажралиб туриш жанг пайтида Қўшинни бошқаришда жуда Қўл келган.

Душман мудофаасини турли усуллар ёрдамида барбод Қилиш, ғаним томоннинг йирик ва мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга бўлган шаҳарларига ҚўқҚисдан кучли зарба бериш, забт этилган мамлакатнинг бошлиқларини ва айниқса, лашкарбошиларини ҳибсга олиш, Қалъа ва Қўрғонларни узоқ муддат давомида муҳосара Қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг Қамровда Қуршаб олиш, унинг Қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларини бирин-кетин фатх этиш, душманни батамом яқсон этгунга Қадар таъқиб Қилиш. Фатх бўлган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларини кўзлаб иш юритиш Темурбекка кўплаб зафарлар олиб келди.

Тактика жихатдан Темурбек армияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. кўшиннинг ясоли Қорахонийлар, /азнавийлар, Салжуқийлар, Чингизийлар Қўшини жанговар тартибдан фарқли ўлароқ, етти Қисм-Қўлга ажратилган, разведка аъло даражада йўлга Қўйилган, Қисмларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб даражасида ҳаракат Қилиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида оператив бошқаришга алоҳида катта эътибор Қаратилган. Темурбек ўнлик, юзлик, минглик ҳамда туман Қўмондонларини танлаш масаласига бевосита эга бўлган Қўмондонларнинг тўғри танлаганлиги ва ўз жойига Қўйилганлиги аксар ҳолларда жанг натижасининг муваффақиятли яқунланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Сохибқироннинг ҳарб санъати ривожига Қўшган улкан хизматларидан яна бири-Қўшин Қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза Қилиш ва аксинча ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ Қисм-кунбулнинг жорий этилишидир. Бундай мутлақо янги ҳарбий Қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Ганнибал, Людвиг XIV, Буюк Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар Қўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбошиси Наполеон Бонапарт армиясининг жанговар тартибида Қўшин Қанотларини химояловчи Қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳарбий мутахассисларнинг, Наполеон Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар Қилишдан аввал Темурбек армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриқларини синчиклаб ўрганган, зарур топган тактик усулларни ўзлаштирган деган мулоҳазаси, ҳар Қалай, ҳақиқатдан йироқ эмас.

Хўш, турк-мўғул халқлари армиясининг беш Қисмдан иборат анъанавий жанговар тартибига ўзгартириш Қачон киритилди, яъни ясолни етти Қисмга бўлишга сохибқиронни Қандай зарурият мажбур этди, деган саволнинг туғилиши табиий.

Ушбу саволга Қониқарли жавоб олиш учун Темурбекнинг Балх ҳокими амир Хусайн (1370 йили ўлдирилган) билан иттифоқда 1365 йили Жата (Мўғулистон) хони Илёсхўжага Қарши Қилган, тарихга «лой жанги» номи билан кирган муҳорабада иттифоқдошлар чериги Қандай ясолда жойлашганлигини кузатиш керик бўлади.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга Қараганда, отлиқ аскарлар Темурбек армиясининг зарбдор Қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил Қуроллар билан Қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садоқ ва Қилич билан енгил Қуролланган отлиқлар асосан разведка ва соқчиликчилик билан шуғулланган, ўта зарур чоғдагина душман кучлари билан жанг Қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Юришга жўнашдан олдин Темурбек аркони давлат вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш-машваратга чорлаган. Айни чоғда улуснинг турли вилоят ва туманларидан, шунингдек тобе юртлардан Қўшин тўплаш учун махсус буйрак-тунқал эълон Қилинган. Фармон керакли жойларга юқори мансаб эгаси, бош Қўмондоннинг адъютанти-тавачи томонидан тезлик билан етказилган. Тавачининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари Қўшин Қисмларининг Қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартиб-ясолни ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчишни назорат Қилиш ҳам юклатилган эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Темурбек Дашти қипчоққа Қилинган юриш (1390-1391) олдидан Қўшинни бир йилга етадиган озиқ-овқат, Қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашни ўз ноибларига буюрган. Хар бир суворийга битта ёй, 30 та ўқ, бир садоқ, бир Қалқон ва битта Қўшимча от ажратилган. Юриш вақтида хар ўн жангчи бир чодир, икки белкурак, бир керки, бир ўроқ, бир арра, бир теша, бир болта, 100 дона нина олган.

Абдураззоқ Самарқандий хар бир жангчининг шунингдек, ярим ман оғирлигида арқон, бир дона пишиқ тери ва битта Қозон олиб келиши лозим бўлганлигини Қайд этади.

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг хар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Хар бир жангчи иккита от, ёй, совут, Қилич, жуводиз, Қоп, ўнта нина, арра ва тери халтага (чанақ) эга бўлган. Сара жангчиларнинг хар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг хар биттаси дубулға, совут, Қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Ўнбегининг алохида чодирлари бўлган. У совут, Қилич, ўқ-ёй, садоқ билан Қуролланган ва бешта Қўшимча от олиш хуқуқига эга бўлган. Юзбегининг хам алохида чодирлари бўлган. Унинг Қурол-яроғи Қилич, ўқ-ёй, совут, садоқ, гурзи, ойболтадан иборат бўлган. Унга ўнта Қўшимча от берилган.

Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан хам таъмин этилган. Дубулға, зирих (чахоройна), совут, найза, Қилич, садоқ ва ўқ сингари ранг-баранг Қурол турлари билан Қуролланган.

Пиёда аскарлар асосан Қилич, камон ва керакли миқдорда ўқ билан сафарга чиққан. Миод ерида олий бош Қўмондоннинг боргохи тикилган ва у турли рангдаги туғ хамда байроқлар билан безатилган. Белгиланган вақтда (миод вақти) да лашкароғхга етиб келган аскарлар Қатъий тартиб ва интизом билан ўз бўлжар (позиция)ларини эгаллаган хамда юриш олдидан ўтказилажак анъанавий харбий кўрикка пухта тайёргарлик кўрабашлаган.

Сохибқирон юриш пайтида тажрибали сипохийларга катта ишонч билдирган. Кўп маротабали сўқишларда суяги Қотган, урушни ўзининг бош машғулоти деб санаган жангчилар сафар бошланишидан аввал жам Қилинган. Улар крим-чиқим дафтарида, шунингдек давлатдан маош-улуфа, озиқ-овқат, емашак олувчилар рўйхатига киритилган. Тузилишига кўра Темурбек армияси турк-мўғул халқлари учун анъанавий бўлган ўн. Юз, минг ва туманларга тақсимланган. Уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги, туманбегилар сардорлик Қилган. «Темур тузуклари» да Қайд Қилинишича, Қўшин Қўмондонлари сафига Темурбек олийхиммат, оқил, мард, тадбиркор, сезгир, журъатли, саботли, харб ишига жон-дилини бағишлаган истеъдодли шахсларни жалб этиш масаласига катта эътибор берган. Хар бир бек ёки амир ўз ноиб-ўринбосарига эга бўлган. Бирор бек ёки амир хаётдан кўз юмган тақдирда ноиб унинг ўрнини эгаллаган.

Руи Гонсалес Клавихонинг гувоҳлик беришича, Қўшин тўплаш тўғрисида фармони олий эълон Қилиниши билан аскарлар ўз оиласи, асбоб-аслахаси, мол-мулки билан миод ерига етиб келган. Ўрдагоҳдаги Сохибқироннинг саропардаси атрофида хар бир Қисм ва бўлинмалар чодирлари тикилган.

Оддий аскардан йирик саркардагача хар ким ўз жойлашиш ўрнини аниқ билган. Барча ишлар тартиб-интизом билан, шовқин-суронсиз бажарилган. кўшин билан бирга Қассоблар, баковуллар, Қовурилган ва пиширилган гўшт билан савдо Қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, нонвойлар ҳам кўчиб юрган. Турли касб эгалари аскарларга хизмат кўрсатганлар. Хатто кўчма хаммомлар ҳам жангчилар хизматида бўлган.

Темурбек танлаб олган саркардалар ўзларининг харбий махоратларини нафақат уруш кезларида, балки тинч меҳнат чоғида ҳам намоёиш этишга тинмай ҳаракат Қилар эдилар.

Харбий санъатнинг ўзига хос сир-асрорларидан тўла воқиф бўлган, душман сафларини пароканда Қилиш йўл-йўриқларини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда дадил ва тез ҳаракат Қиладиган, ҳеч Қандай тўсиқлардан тап тортмайдиган, Қўшин сафида содир бўлиши эҳтимолидан холи топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бартараф эта оладиган истеъдод эгаларигина Темурбек томонидан лашкарбошилиққа Қўйилган.

Темурбекнинг фармойишига биноан атоқли лашкарбошилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни беклар беги мансабига тайинланган. Донгдор амирлардан бирига амир ул-умаро лавозими берилган ва у олий бош Қўмондон, яъни Темурбекнинг ноиби вазифасини адо этган. СохибҚирон бевосита иштирок этмаган уруш ва жангларда амир ул-умаро Қўшинга Қўмондонлик Қилган.

Зикр этилганлардан ташҚари Қўшин Қўмондонлигига яна ўн икки бек жалб этилган минг кишидан иборат суворийларга биринчи бек, икки минг отлиқлардан ташкил Қилинган гуруҳга иккинчи бек, уч минг отлиқлифавжга учинчи бек ва шу тартибда ўн икки минг отлиқ аскарлардан тузилган Қўшинга ўн иккинчи бек сардорлик Қилган. қуйи поғонада турган Қўмондон ўзидан юҚори лавозимни эгаллаб турувчи саркадага бўйсунган.

Темурбек армиясининг турли Қисм ва бўлинмаларига уч юз ўе уч бек бошчилик Қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси эса мингбегилик рутбаларини эгаллаган.

Туманларга сохибҚироннинг фарзандлари, набиралари ҳамда амир Шайх Нуриддин, амир Жаҳоншоҳ сингари номдор лашкарбошилар раҳбарлик Қилган.

Темурбек Қўмондонлар таркибининг харб ишидан талаб даражасида махорат ва малакага эга бўлган шахслардан шаклланишига алоҳида диққат Қилган.

Жангларда Қахрамонлик ва мардлик намуналари кўрсатган сара жангчилар муносиб равишда тақдирланиб ўнбеги, такрор жанговар хизматлари эвазига юзбеги ва ниҳоят мингбеги амалига кўтарилиш имкониятига эга бўлган.

Ўвнинг аскарий ғурурини тор-мор этган мингбеги биринчи даражали амир унвонига, йирик душман Қисмини мағлуб этган биринчи даражали амир ўз навбатида иккинчи даражали амир мансабига ва шу йўсинда ўзга бек ҳамда амирлар юҚорироқ харбий мартабага кўтарилиб борган. Жанггоҳда мардлик ва Қахрамонлик кўрсатган оддий жангчиларнинг маоши оширилган. Баъзи сабабларга кўра жанг майдонини ташлаб Қочган аскарлар ўлжа тақсимотида иштирок этишдан маҳрум Қилинган. Мухорабадан ярадор бўлиб Қайтган

шахсларнинг иззат-хурмати жойига Қўйилган, уларга Онхазратнинг мархамати кўрсатилган.

Бирор кишварнинг фатх Қилган ёки ғаним армиясини мағлубиятга учратган саркарда учун уч хил мукофот таъсис этилган, яъни шарафли баходир унвони ҳамда туғ ва ноғора берилган. Айни шундай юксак мукофот билан мухолифатчи тараф тахт ворислари рахнамолигидаги Қўшинни паришонликка солган амир ёки бекнинг ҳам шавкати зиёда Қилинган.

Жангу жадал чоғида шижоат кўрсатиб душман гуруҳини Қочиришга муяссар бўлган ўнбеги шахар доруғаси, юзбеги эса вилоят хокими вазифасига тайинланган. МуҚоталада адув хашамлари устидан зафар Қучган мингбеги вилоят волийси мансаби билан таҚдирланган.

Бирор мамлакат ёки юртни эгаллаган амирга ўша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошҚарилиш учун суюрғал тарзида иноят Қилинган. Темурбек ва темурийлар даврида суюрғал кенг тарҚалган феодал ер эгалиги турларидан бири бўлиб. Наслдан-наслга ўтган. Суюрғал эгаси давлат хисобига тўланиши зарур бўлган солиҚлардан озод Қилинган. Бундай суюрғал тури «дарбаста суюрғал» деб юритилган.

Довюррак пахлавонлар харблардан кўрсатган жасоратлари учун баланд даражага эришиб, баобрў кишилар Қаторидан ўрин олган. Улар гурзи, олачук (чодир), мурассаъ камар, Қилич ва саман от каби пахлавонлик нишонлари билан эъзозлаган. Ботирларнинг кўпчилиги кейинчалик ўнлик, юзлик, мингликларга Қўмондонлик Қилишдек маъсулиятли вазифаларга Қўйилган.

ЮҚорида тилга олинган ўн икки амирдан хар бири юз довул (табл) ва байроғига эга бўлган. Бош Қўмондон ноғора ҳамда аламдан ташҚари шунингдек, бурғу, тумантуғ ва чортуғ билан нишонланган.

Мингбеги туғ ва карнай, яъни Қўрагага эга бўлган. Юзбеги ва ўнбегига ноғора берилган. Турли Қўшун, яъни Қисм Қўмондонлари тегишли ношонларга сазовар бўлган.

Бирор лашкарбошининг хаёти хавф остида Қолган вазиятда уни ғаним ўҚидан асраб Қолиш йўлида ўз кўксини ҚалҚон Қилган жангчилар СохибҚироннинг хурмат-эътиборига ва олҚишига сазовор бўлган, махсус иноятлар билан таҚдирланган.

СохибҚирон юришга жўнашдан анча аввал ёғининг Қуролли кучлари, мудофаа иншоотлари, у ердаги ички вазият қабилар хаҚида аниҚ ва тўла маълумотга эга бўлиш маҚсадида унинг юрти ёки Қароргоҳига ўз айфоҚчи (хабаргир, жосус) ларини пешма-пеш юбориб турган. /аним тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлгандан сўнггина юришга тараддуд кўрилган. Бу хусусда ибн арабшоҳ ёзади: «Темур тенги йўҚ феъл атворли, чуҚур мулохазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг Қаъри йўҚ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орҚали йўл топиларди. У ерларнинг барча томонларида ўз айфоҚчиларини тарҚатиб, Қолган мулкларида эса жосуслар Қўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири Амир Отламиш бўлса. янА бири фаҚих Масъуд ал-қухоний-у Темур девони асхобларининг кўзи эди. Жосусларнинг буниси қохирада, Муизияда бўлса, униси ДамашҚда, Шамийсониядаги сўфийлардан бири эди. Уларнинг бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулҚ полвон ва хунарманд, мунажжим ва ўз

табиатича иш Қиладиган лар, гапчиноз Қаландарлару саёқ дарвешлар. Зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва хийлагар бўлиб, улар чор атрофда бўлаётган ходисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлар, нарх-наволар тўғрисида унга зикр Қилиб, манзилу шахарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг сувратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенглигини уларнинг Қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқдами, шахарлар ва Қишлоқларнинг исмларини, манзил ва панохжойлар номларини, хар жойнинг ахлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг хаи бирининг исми ва лақабини, шухрати ва насабини, уларнинг хунари ва (эга бўлган) воситаларини (тўла-тўкис) баён Қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шуларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди».

СохибҚирон сафар чоғи Қўшинни Қийин ва ўтиб бўлмас жойлардан бошлаб борувчи йўлчи, яъни Қажарчиларни махаллий халқ ичида ёллаб олиш масаласига жиддий ёндашган.

Сафар арафасида Темурбек ўз пирлари ва рахнаمولари хузурига соф ишонч ҳамда пок иродат билан ташриф буюриб, зиёрат шартларини бажо келтирган. Муқаддас ва муборак мозорларни тавоф Қилган. Майиб-мажрухларга, мухтож ва йўқсилларга назру садақалар улашган.

Темурбек армиясида ичига ёнувчи модда-нафт солинган кўзачалар ирғитувчи ўт сочиш Қуроли-раёднинг узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи махсус тўпчилар-раёдандозлар мавжуд бўлган. Мустахам Қалъа ва Қўрғонларни Қамал Қилишда самарали Қурол хисобланган раёдни бошқарувчи тўпчиларни сони, Низомуддин Шомийнинг фикрича, 10 минг кишига етган. Раёдандозлар Темурбек томонидан илк марта 1379 йили Урганчни мухосара Қилиш вақтида жангга солинган.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, араб тилига хос раёд сўзи аслида «момоҚалдиरोқ»ни билдиради. Тўпни раёд термини билан аташларининг боиси шундаки, ундан ўқ-снаряд отилгани кучли гумбурлаган товуш чиққан. Раёднинг Темурбек томонидан Қуролланишга киритилиши XV-XVI асрларда Мовароуннахр, Хуросон ва Эронда артиллериянинг бошқа турларининг пайдо бўлишида туртки вазифасини ўтади.

Амир Темурнинг хаёти асосан икки даврга бўлиб ўрганилади. Биринчи давр: 1359-1386 йилларни ташкил этади. Бунда Темур Мовароуннахрда мўғул хонлигидан мустақил, кучли марказлашган давлат тузиш учун курашади. Иккинчи даври: 1386 йилдан бошланиб, умрининг охиригача давом этади. Бу даврда Темур уч йиллик, беш йиллик, деб номланган урушлар олиб боради ва Хитойга Қарши урушга тайёргарлик кўради.

Темур ўз хаётида 30 марта юриш Қилган ва 27 мамлакатни забт этган. Лекин улардан «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» урушлари машхур бўлган. Темур давлати учун энг хавфли давлат унинг шимолида жойлашган Олтин Ўрда эди. қора денгиздан Олтоёй тоғларигача чўзилган ерлар Жўжи улуси ихтиёрида эди. Жўжи улусининг Ёйиқдан қора денгизгача чўзилиб кетган

жуда катта Қисми Олтин Ўрда эди. Ёйиқ шарқида ерлар Оқ Ўрда деб юритиларди.

Амир Темурнинг Марказий Осиё худудидан ташқарига бўлган юриши асосан Шимолга, яъни Олтин Ўрда давлатига қаратилган эди. Темурнинг Олтин Ўрдага қарши юришидан мақсади, уни ўз давлатига қўшиб олиш эмас эди. Давлати учун хавфли куч бўлган Олтин Ўрдани заифлаштириш ва фақат унинг шарқий қисмини ўз салтанатига қўшиб олиш эди.

Бу даврда Олтин Ўрда оқ ўрдаларда иккита мустақил давлат ташкил топиб, улар ўртасида ўзаро жанжаллар давом этмоқда эди. Темур унинг ички низоларидан усталик билан фойдаланди. Ўрусхон тазйиқидан Темур хузурига қочиб келган Оқ Ўрда хонларидан Тўхтамишга Темур бир неча марта ёрдам беради. 1379 йилда Тўхтамиш Темур ёрдамида Оқ Ўрда тахтини эгаллайди. Турон озодлик ҳаракатининг саркардаси Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси нафақат Марказий Осиё, бутун Шарқий Европа, Россия учун аҳамиятга эга эди.

Темур Олтин Ўрда хонлигини тор-мор этиб, унинг қишлоқ ва шаҳарларини вайрон қилади. Шарқ мамлакатлари билан боғлаган Буюк Ипак йўлининг Олтин Ўрда орқали ўтадиган шимолий тармоғига хотима беради.

Таъкидлаш лозимки, темурийлар даврида юриш ёки размдан олдин қўшинни кўриқдан ўтказиб, унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш анъана тусига кирган. Кўриқдан нафақат асосий жанговар қисмлар, шунингдек, улар ортидан борувчи оғир қарвон ўғруқ (овоз) ҳам ўтказилган.

Темурбек душманига қўққисдан қақшатқич зарба бериш усули билан шухрат қозонган эди. /аним ўрдугоҳи аниқлангач, аксарият ҳолларда Соҳибқирон унга махфий ёки ўтиш ўта машаққатли бўлган, ҳеч бир кимсанинг оёғи етмаган довонлар, даралар, сўқмоқлар, тоғу тошлар орқали тунда уловларни жиловидан тутган тарзда яқинлашар, қуёш ўзининг заррин нурларини бепоён замин узра соча бошлаши билан ғафлат уйқусида ётган ёғига қуюндек ёпирилар эди. Ибн Арабшоҳ хикоя қилади: Темурбекнинг дорус-салтана Самарқандда иморатлар қуриш, боғу бўстонлар барпо этиш, ариқлар қазиб, сув чиқариш сингари ободончилик юмушлари билан банд бўлиб турганлигидан мужда топган қўшни мамлакатлар унинг хужумини кутмасдан, мудофаага тайёргарлик кўрмаган ҳолда хотиржам ҳаёт кечиради эди.

Соҳибқирон пойтахтдаги ишларни ниҳоясига етказгач, товачиларга қўшинни тез фурсат ичида самарқандда тўплаш ҳақида амр қилади. Аскарлар учун ўзи ўйлаб топиб. Ихтиро қилган йўсинда тайёрланган дубулғаларни жангчилар кийиб, юришга чиқишларини буюради. Темурбек сафарнинг йўналишини сир тутарди.

Темурбекнинг Хиндга юриш қилиб, Дехлига яқинлашиб қолганлигидан таҳликага тушган хиндлар шахзода Султон Махмуд, Маллуҳон ва ўзга номдор хинд саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг суворийлар, йигирма минг сара пиёдалар ва бир юз йигирма жанговар филлардан иборат қўшин билан унга рўбарў бўлади. Соҳибқирон биринчи галда жангчиларнинг капалагини учириб, уларни даҳшатга солган филларни даф қилиш борасида бош қотиради. Зудликда филларга офат келтирувчи ўткир тигли учбурчак шаклдаги санчиқ-мўндулардан минглаб ясалади ва филлар келиши кутилаётган ерларга

жойлаштирилади. Иккала Қўшин жанг харакатларини бошлагач, Темурбек ўз аскарний Қисмларини чекинишга буюради. Темурий жангчиларнинг тисарилганини кўриб, душман Қочди хаёл Қилган хиндлар олға ташланади. Филлар, уларнинг кетидан отлик ва пиёдалар жунбушга келади. Мўнду тикилган ерга етган филларнинг оёқларига ўткир санчиқлар тикон янглиқ Қадалади. Оғриқ зўрлигидан Қутирган филлар жон аччиғида филбонларни улоқтириб, орқага тум-тарақай Қоча бошлайди. Улар ортда келаётган хинд суворий ва пиёдаларини поймол Қилиб, янчиб ўтади.

СохибҚирон ўта тахликали онларда ҳам саросимага тушмас, хиссиётга берилмас, метиндай мустахам иродаси иккиланишга, Қатъиятсизлик кўрсатишга асло йўл Қўймас эди. Бирор марта ҳам мағлубият («лой жанги» бундан истисно) аламини тортиб кўрмаган музаффар Қўшин олий бош Қўмондоннинг хар Қандай оғир ва чигал вазиятдан ҳам тadbиркорлик билан чиқиб кетишига бутун вужуди билан ишонар. Шунинг учун ғаним билан фақат ғалабани кўзлаган холда жон-жахди билан жанг Қилар эди. СохибҚирон жанг майдонини танлашда бевосита иштирок этган. Жанггохнинг текис, кенг ва Қўшин Қисмларини жойлаштиришга Қулай бўлиши талаб Қилинган. Айниқса, маъракагохнинг ичимлик сув манбаъига яқин бўлиши ҳамда разм вақтида Қуёш нурунинг жангчилар кўзига тушмаслиги мақсадга мувофиқ хисобланган.

Йирик мухорабалар пайтида дастаси учига махча-ярим ой шакли Қадалган жанговар байроқ ва туғлар билан безатилган олий бош Қўмондоннинг боргохи баландликка тикилган. У ердан Қисм ва бўлинмаларнинг майдондаги харакати, жангнинг бориши Темурбек томонидан кузатиб турилган. Одатга кўра боргох олдида харбий оркестр аскарларни мардликка рағбатлантирувчи, уларнинг жанговар руhini кўтарувчи куйларни тинимсиз чалиб турган.

Темурбек Қўшини забт этилган Қалъа, шахар ва вилоятларни ўзбошимчалик билан ғорат Қилиш хуқуқидан бутунлай махрум эди.

Фақат оммавий тало-тарожга рухсат берилганидан сўнггина юришда иштирок этаётган хар бир киши, хох у номдор лашкарбоши бўлсин, хох оддий аскар бўлсин, бундан Қатъий назар тенг ғанимат олиш хуқуқига эга бўлар, кимки бирор ўлжани биринчи бўлиб Қўлга киритса, ўшанга эга бўлар эди.

Кўп холларда СохибҚирон обод ва кўркам, маданияти гуркираб яшнаган, маъмур шахар ва кентларни, вилоятларни ғорат Қилишдан ўзини тияр, у ерлардаги муборак Қабристонлар, машойих ва акобирларни зиёрат Қилар эди. СохибҚирон жангларда мардлик ва Қахрамонлик намуналари кўрсатган хар Қандай рақибини хурмат Қилар, жангчиларини ундан ўртак олишга ундар эди. Бунга тарих шохид.

СохибҚирон бирор хисор, шахар ёки вилоятни Қанча вақт ичида забт этиш мумкинлигини олдиндан яхшилаб хисоблаб чиқар ва саркардалардан белгиланган муддатда харбий харакатларни нихоясига етказишни Қатъий талаб Қилар эди.

Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома», /иёсуддин Алининг Темурбекнинг Хиндистонга юришига бағишланган тарихий асарида битилишича, 1395 йили Тўхтамишхонни мағлуб этган Темурбек Самарқандга Қайтади ва Қиш фаслини Охангаронда ўтказди. Шахзода Пир Мухаммадни Мўғулистонга хоким этиб

тайинлаб, чегараолди худудларни мустахкамлашни, Хитой ва Хўтанга Қилинажак юриш учун озиҚ-овҚат ва емҚхашак жамғаришни буюради. Шу орада унга Хиндистонда исломнинг мавжудлиги, бироҚ у ердаги ахолининг асосий Қисмини мажусийлар ташкил Қилиши, муслмон хокимлар будпараст оммадан фаҚат ўлпон йиғиш билан кифоланаётгани хаҚида бирин-кетин хабарлар кела бошлади. Мажусий ҚароҚчиларнинг ёвуз ниятларига чек Қўйиш, мўминларни улар ўтказаётган зулмдан озод Қилиш, савдогар ва сайёхларнинг хавф-хатарсиз келиб-кетишини таъминлаш каби маҚсадларда Темурбек Хитой ва Хўтанга Қилиниши лозим бўлган юриш ўрнига Хиндистон томон Қўшин тортади.

Бу урушни у Мухаммад пайғамбар эътиҚодини ёйиш, пайғамбар номини кўкларга кўтариш, бутпараст ва кофирларни Қириб, Хиндистонда авж олиб кетган феодал тарҚоҚлик ва ўзаро урушларга бархам бериш байроғи остида олиб борган. СохибҚироннинг ўзи бу хаҚда «Тузуклар»да шундай ёзган эди: «Қурьони масжиддан фол очсам, ушбу улуғ оят чиҚди: «Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиҚларга Қарши жаҳд Қилгил»... Сўнгра...иҚболимиз хонаси Хиндистонга Қарата Қўл кўтариб, зафару фатх фотихасини ўҚидим». Темур кашҚадарё вохасидан чиҚиб Термиз орҚали юриб августда қобулни эгаллади. У ердан Хиндистон чегаралари томон кириб бориб тулумби, Мултон, Дипалпур, Сараст, Фатхобод, Сомона ва бошҚа шаҳар ва Қалъаларни бирин-кетин эгаллаб декабрь ойида Хинд дарёсидан ўтиб Дехлига етиб борди. Бой ва бадавлат Дехли шаҳрини ҳам мағлубиятга учратди. СохибҚирон СамарҚандга Қайтиб келгандан сўнг /арбга томон бўладиган юришларга тайёргарлик кўра бошлади. Бу уруш асосан Турк султони Боязид Йилдиримга Қарши Қаратилган эди. Икки буюк турк хокими ўртасидаги зиддиятлар борган сайин кучайиб борди.

Бу урушга сохибҚирон шошилмади. Урушни олдини олишга ва тинч хал Қилишга ҳаракат Қилди, чунки ислом химоячиси бўлган сОхибҚирон Боязиднинг христанлар билан жанг Қилганини билар эди. Лекин бунга Боязид назар-писанд Қилмади, Темурни камситди, хаҚоратлади ва ўртада бошланган урушга хамиртуруш бўлди. қора Қуюнли туркман Қабиласининг хокими қора Юсуф 1388-1399 йилларда бир неча марта Темур лашкарларига Қарши жанглар олиб борган. Унга Ахмад Жалойир иттифоҚдош бўлган. қора Юсуф ва Жалойирни Боязид ўз химоясига олади ва бошпана беради. Амир Темур Боязидга ўз элчиси орҚали хат ёзиб, қора Юсуфни унга топширишни талаб Қилади. Боязид номани олгач, жаҳл билан СохибҚиронни хаҚоратлаб, хатини сўнггида Қуйидагиларни ёзган эди: «...Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоҚ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу мен уруш Қилмай Қочсам, менинг хотинларим узил-кесил уч талоҚ бўлсин». Бу хаҚорат ва юҚоридаги аёллар хаҚидаги сўзларга Темур жуда ғазаб билан Қарайди, чунки у аёлларни хурмат Қилар ва хатто уларни исмларини атаб чаҚирмас ҳам эди. Амир Темурнинг /арбга юриши 1399 йилда бошланиб 1404 йилгача давом этган. Бу тарихга «етти йиллик уруш» номи билан кирган. 1400 йилда турк султони ўзиники хисоблаган Кичик Осиёнинг хосилдор ерларида жойлашган иккита муҳим Қалъа Сивоз ва Милатияни босиб олди.

Темур Мсир султонини тор-мор келтириб, уни Қочишга мажбур Қилди ва ДамашҚни эгаллаб олди, сўнг Мусулга ўтди. 1401 йилда у Бағдод кўрғонларини яксон Қилди. 1402 йилда у ердан ўтиб Гуржиларнинг исёнини яна бир марта бостирди.

СохибҚироннинг бу харакатлари султон Боязиднинг асабларини батамом ишдан чиҚарди. Амир Темур 1402 йил апрель ойида Курия дарёсини кечиб ўтиб бирин-кетин Тартум, Кемох ва кайсария Қалъа шаҳарларини эгаллаб, Туркия билан Сурия ва Бағдод алоҚа йўлини кесиб Қўяди. Амир Темур билан Султон Боязид ўртасидатарихда ном Қолдирган «АнҚара жанги» 1402 йил 28 июнда бошланди. Бу жангда Темурнинг буюк саркардалик махорати, айниҚса яҚҚол кўринди. 200 минг кишилик Темур Қўшинининг ўнг Қанотига ўғли Мироншоҳ, чап Қанотига набиралари Султон Хусайн ва Халил Султонлар, кенжа ўғли Шохрух Қўмондонлик Қилди. кўшин марказини Темурнинг сеvimли набираси ва валиаҳди Мухаммад Султон бошҚарди, яна набиралари Пирмухаммад ва Искандарлар ҳам бу жангга тайёр турдилар ва жанг Темурнинг эркин ғалабаси билан яқунланди.

Амир Темур 1404 йил кузида набираси Улуғбекнинг тўйини ўтказиш бахонасида ўз давлати Қўл остидаги оҚиллар, вилоят хукмдорларини, Қўшин бошлиҚларини ва бошҚа амалдорларни СамарҚандга таклиф Қилди ва Қурултой чаҚирди. Унда Хитойга бўладиган юриш мухокама Қилинди. Темур улуғ туғни кўтариб 1405 йил 8 январда 200 минг лашкар билан Хитой сари юзланди. киш ўша йили жуда ҚаттиҚ келганди. кишнинг совуҚлиги шу даражада кучли бўлган эканки, Али Яздийнинг ёзишича дарё устидаги музнинг Қалинлиги 2-3 тирсакка тенг бўлган. СовуҚ зарбидан жуда кўп аскарларнинг юз, бурунларини совуҚ уриб кетган, баъзилари эса халок бўлишган. Аммо сохибҚирон тўхтамай йўлни давом эттирар эди. 1405 йил 14 январда Темур Ўтрор шаҳрига етиб келди. У шу ерда шамоллаб касалга чалинди ва узоҚ муддат ётиб Қолди. Уни Ўтрор хокими Бердибекнинг саройига ётҚизадилар. Куни яҚинлашганини тушида кўрган сохибҚирон ҳамсафар авлод-аждодларини, Куролдош амиру-акрабо ва ўз ўрнига Қолдираётган ворис Пирмухаммад Жахонгирга итоат этишга даъват этади ва васият Қилади. Саройда хозир бўлганлар номидан амир Шохмалик ва Шайх Нуриддин улуғ Амирни охират йўлига жўнатиш олдидан унинг васиятларини бажариш ва унга амал Қилишга ваъда берганлар. 1405 йил 18 февраль кечҚурун буюк салтанат сохиби Амир Темурнинг хаётига яқун ясалди. Унинг жасадини СамарҚандга олиб келиб, ўз васиятномасига кўра пиру устози Шайх Саид Барака хокининг оёҚ томонига дафн этдилар.

Шундай Қилиб, 1370-1407 йиллар мобайнида, яъни 35 йил СамарҚанд тахтини бошҚарган СохибҚирон Амир Темур Кўрагоний буюк салтанатга асос солди. У умри давомида 30 мартадан ортиҚ харбий юришлар уюштирди ва бирор марта бўлсада енгилмади, дунёдаги 27 мамлакатни эгаллади. Амир Темур тузган салтанат сарҳадлари жанубда Арабистон ярим ороллари ва Хиндистон ерларидан шимолга то Масков князлигига Қадар, шарҚда Хитой худудларидан ғарбга томон Ўрта Ер денгизи ва Миср давлатлари ерларини ҳам ўз ичига олган худудларга Қадар чўзилиб кетган.

Амир Темур Кичик Осиёда бўлган вақтда /арбий Европанинг анча олис давлатлари: Валуа сулоласидан бўлган француз Қироли Карл VI (1380-1422) ва Англия Қироли Генрих IV Ланкастерский (1399-1413) билан дипломатик ёзишмалар олиб борди.

Темур билан Карл VI ўртасида сақланиб қолган ёзишмалар характериға кўра, Карл VI нинг таклифлари рад этилмаган ва француз Қиролини Темур жиддий Қўллаб-Қувватлаган, де байта оламиз. Париж миллий кутубхонасида сақланаётган улар ўртасидаги ёзишмалар эса АнҚара жангидан кейинги даврга тааллуқлидир.

Амир Темур номидан Карл VI га ёзилган икки мактуб ва Қиролнинг Амир Темурга йўллаган жавоб мактуби бизгача етиб келган. Икки ўртада хатларни Архиепископ Иоанн етказишда муҳим рол йўнаган.

Темурнинг Карл VI га ёзган икки хати 1402 йил 1 августда ёзилган, Карл VI нинг жавоби эса 1403 йил 15 июнда ёзилган.

Карл VI ўз мактубида АнҚара ёнида турк Қўшинларини енганлиги учун Темурга миннатдорчилик билдиради.

Амир Темур давлати ва Усманийлар ўртасидаги низо Англияни ҳам бефарқ қолдирмаган эди. қирол Генрих IV Ланкастернинг Темур номига йўллаган мактуби сақланиб қолган. Бу мактуб хозирда Британия музейида сақланади. Ушбу номанинг асосий мавзуси савдо алоқалари ва анҚара жанги мавзуси ташкил этади.

Мактуб мазмунидан билса бўладики, илгари ҳам Амир Темур ва Генрих IV ўртасида дипломатик муносабатлар бўлган. Бу муносабатларда дипломатик миссияни Франческо Сатру адо этган.

Мактубларда Темур ва Генрих фуқаролари ўртасида эркин савдо муносабатларини давом эттириш истаги борлиги қайд қилиб ўтилади. Бундан ташқари Генрих IV Темурга умумий душман-Боязид устидан қозонилган ғалаба учун миннатдорчилик билдиради.

Темурнинг Миср султони ва АнҚара ғалабаларидан сўнг Европада шухрати янада ортди. Кастилия Қироли Генрих III ҳам Амир Темур давлати билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, у билан яқинлашиш иштиёқида бўлади. У 1402 йил анҚара жангидан сўнг Темурга биринчи элчиларини юборди. Бу элчилар Кичик Осиёда Қабул Қилинади. Таркиби Пайо де Стомайор ва Эрнан Санчес Паласуэлас исмли элчилардан иборат бу гуруҳ Темурни ғалаба билан табриклайди. Темур ҳам испан элчиларини ватанига қайтара туриб, ўзининг Мухаммад ал-Кеший исмли элчисини уларга қўшиб жўнатади. Мухаммад ал-Кеший Қиролга Амир Темур мактубини топширади.

Ушбу элчиликка жавобан Кастилия Қироли Генрих III Алфоне Санта Мария Рус Гонзалес де Клавихо ва Қиролнинг соқчиси Гомес де Салазар ҳам бор эди. Клавихо элчиларга бошчилик қилади.

Генрих III элчилар жўнатар экан доимий мақсадини унутмади: элчилар ҳамма ерни кузатиб юришлари ва борган ҳамма жойларидаги халқлар тўғрисида маълумотларни тўплашлари, қайтиб келганларидан сўнг буларнинг ҳаммасини Қиролга хисобот беришлари керак эди. Клавихо диққатга сазовор барча нарсаларни ёзиб борди.

СохибҚирон марказлашган давлат тузиб мўғулларни Мовароуннахрдан хайдаб чиқаргач, Хоразмни ҳам ўз салтанати таркибига киритишни режалаштиради. Бу пайтда Қўнғирот уругига мансуб сўфилар сулоласи вакили Хусайн Сўфи жанубий Хоразм, Кат ва Хива шаҳарларини босиб олади.

Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур 1372 йил Хоразмга элчи юбориб босиб олинган ерларни Қайтарилишини сўраган. Натижа бўлмагач, темур харбий ҳаракатлар бошлаган. Хоразмда сўнги юриш 1388 йил бўлган. Бу сафарги урушнинг сабабчиси Олтин Ўрда хони Тўхтамишхоннинг ифвосига учиб Темурга Қарши исён кўтарган Хоразм хукмдори Сулаймон Сўфи бўлади. Тўхтамишхон асли ким? У Маннғишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли, асли Жўчи наслидан. Тўхтамишхон Ўрусхон (Олтин Ўрда билан ОҚ Ўрдани бирлаштиришни таклиф қилган хон) таъқибидан Қочиб, Темур хузурига паноҳ излаб келади. Темур Тўхтамишхонга отаси хунини олиш учун ва ОҚ Ўрда тахти учун курашда Қурол ва Қўшин билан ёрдам беради. Маҳкам Абдураимовни ёзишича, Темур: «...Тўхтамишга тўртинчи марта ҳам Қўшин бериб, тажрибали Қўмондонларидан бирини унга бош этиб тайинлайди». Аммо тажрибасиз Тўхтамиш хар сафар мағлубиятга учраб Қайтаверади.

1376 йилда Ўрусхон Темурдан Тўхтамишни топширишни талаб қилиб элчи юборади. Шундан сўнг Темурнинг ўзи 1379 йил Ўрусхонга Қарши юриш бошлайди ва уни енгади. Тўхтамиш ОҚ Ўрда тахтига ўтиради.

Тахтни эгаллаган Тўхтамиш Олтин Ўрда ва ОҚ Ўрдани бирлаштиради. Аммо Тўхтамиш «ит Қутурса эгасини Қопади» деганларидек ўзининг хомийси Темур ерларига кўз олайтира бошлайди.

Тўхтамиш Темур билан жанг қилиш учун баҳона изларди. Буни англаган Темур Шайх Али Баходур, Ини Темур, Усмон Аббос ва ўғли Мирзо Мироншоҳ бошчилигида Тўхтамишга жўнатади. Темур ўртадаги тинчлик аҳдини бузмасликка чақиради.

Аммо Тўхтамиш сохибҚироннинг бу оқилона маслахатига Қулоқ солмай, у Мовароуннахрда йўқлигидан фойдаланиб, 1387-1388 йилларда Мовароуннахрга бостириб келади ва Хоразм ҳокими Сулаймон Сўфини унга Қарши Қўзғолон кўтаришга кўндиради.

Темур Эрондаги юришини тўхтатиб Мовароуннахрга Қайтади. Тўхтамишга ёрдам берганларни бир ёқлама қилгач, энди асосий эътиборини Тўхтамишга Қаратади.

Темур 1391 йил 22 январ куни Тўхтамишга Қарши жангга отланади. қўшин Ўтрорга етганда Тўхтамиш элчилари келади. Улар Тўхтамиш номидан кечирим сўраб, унинг номасини Темурга топширадилар. Аммо Темур сиёсий музокаралар олиб боришни истамайди.

Темур лашкари 1391 йил 4 июнда Ёйиқ (Урал) дарёсидан кечиб ўтадилар. Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги жанг ҳозирги Самара билан Частополь ўртасидаги кундузча деган мавзеда бўлади.

Уч кунлик жангдан сўнг Темур Қўшинлари зафар Қучадилар. Тўхтамиш Қочиб кетади.

Тез орада Тўхтамиш Темурга Қарши кучли Қўшин тузади ва Темурга Қарашли Ширвонга бостириб киради.

Темур Тўхтамишга Қарши Яна жанг бошлайди. Бу жанг 1395 йил 15 апрелда Терек дарёси бўйида бўлади ва сохибҚироннинг ёрҚин ғалабаси билан тугайди.

СохибҚирон Тўхтамишни таъҚиб Қилади. Олтин Ўрданинг маркази Сарой Беркани эгаллаб уни бойликларини ўзлаштиради.

Ёзма манбаларда Қайд Қилинишича, Тўхтамишни 1406 йилда Амир ЭддиҚут Ўзбек Қўлга тушириб Қатл этади.

Темур Хиндистондан Қайтиб келгач, ғарбга томон юришга тайёрлана бошлайди. Бу юриш асосан турк султони Боязид Йилдирмга Қарши Қаратилган эди.

1388-1389 йилларда Арманистон, ироҚ ва Озарбайжон сарҳадларида Темур лашкарларига Қарши Қора Қуюнли туркман Қабиласининг бошлиғи қора Юсуф жанглар олиб борган. Унга Ахмад Жалоир иттифоҚдош бўлган. Хар иккисини Боязид химоясига олган ва бошпана берган эди. Темур Боязидга элчи орҚали хат юбориб, қора Юсуфни унга топширишни талаб Қилади. Ибн Арабшохнинг ёзишича, амир Темур номасини олгач ва уни мазмунини англагач, Боязид ўрнидан сапчиб туриб кетган ва СохибҚиронни хар хил бўлмағур сўзлар билан хаҚоратлаб, унга ёзган хатини сўнггида Қуйидагиларни ёзади: «...Мен биламанки, бу сўзлар сени хеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томон) келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоҚ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу, мен сенга Қарши уруш Қилмай Қочсам, у ваҚтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоҚ бўлсин».

Амир Темурнинг /арбга томон юриши 1399 йилда бошланиб, 1404 йилда нихоясига етади. Бу тарихга «Етти йиллик уруш» номи билан кирган. Темур юриш давомида Кичик Осиёдаги иккита мухим Қалъа-Сивос ва Милатияни эгаллайди. Миср султони Фаражга Қарашли Сурия (Шом)ни эгаллайди.

Амир Темур Боязид билан ёзишмалар Қилиб, унинг атрофидаги ерларни ўзига Қаратиш учун урушлар олиб бориб, у билан бўладиган бевосита жангни пайсалга соли шва чўзишдан АниҚ маҚсади бор эди. Биринчидан, у Боязидни иттифоҚчиларидан махрум Қилади. Иккинчидан у шу давр мобайнида душманнинг хусусиятларини, кучли ва кучсиз томонларини, уруш бўладиган жойнинг шароитларини ўрганди.

Амир Темур ва Султон Боязид ўртасида тарихда «АнҚара жанги» номи билан машхур жанг Темурнинг ёрҚин ғалабаси билан тугайди.

Мовароуннахр тахтини 35 йил давомида бошҚарган Амир Темур юксак дипломат эканлигини хам исботлади. У дипломатик муносабатларда хатто ғанимларига хам хурмат, иззатда бўлди. Улар билан мумкин Қадар можарони дипломатик тинч йўл билан хал Қилишга уринди.

Амир Темур хаҚида нималар дейилишидан Қатъий назар, уни фавҚулодда шахс, буюк саркарда ва давлат рахбари бўлганини барча шарҚшунослар эътироф этадилар. Жумладан, француз шарҚшуноси Жан Поль Ру шундай ёзади: «Темурга тенг келадиганлар кам топилади, темурдан ўтадиганлар эса, топилмаса керак. Унинг номи Искандар, Доро, Цезарь, Чингизхон, Бонопарт билан ёнма-ён туради. Темур инсоният тарихининг буюк сиймоларидандир».

СохибҚироннинг тахт учун кураш ва кейинги даврда давлат рахбари сифатидаги амалий фаолияти унинг давлатни бошқариш санъати мукаммал даражада эканлигини кўрсатади. Бунинг далили сифатида амирнинг ўз хаёт йўли тасвирланган ва давлатни бошқариш Қоидалари ифодаланган ҳамда кейинчалик буюк давлат хукмдорлари (Шох Жахон, Мухаммад Алихон, Абдулахадхон ва бошқалар)нинг мухим Қўлланмаси бўлган “Тузуқлар” билан Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи Тарихи Таймур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларини келтириш мумкин. Ушбу манбалар билан танишар эканмиз, давлатни бошқариш учун Амир Темурда бой тажриба бўлганлиги ва у санъат даражасига кўтарилганлигини кўрамиз. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур тамғасининг нақши “рости русти” бўлиб, унинг маъноси “хақгўй бўлсанг, нажот топасан” демакдир. Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, Қон тўқиш, асир олиш, ғорат Қилиш ва харамга хақорат бўлмасди. Бу сўзларни Темурга адоватда бўлган Ибн Арабшоҳнинг ўзи ёзган. СохибҚироннинг бу борадаги фаолияти халқимизда адолат ғоясининг юксакликка кўтарилгани билан боғлиқдир. Давлатда адолат бор экан, у барқарордир. Амир Темурнинг “Куч –адолатда” шиори биз авлодлар барпо этаётган хуқуқий демократик давлатнинг бош тамойилидир.

Халқимизда “Кенгашли тўй тарқамас” деган нақл бор. Амир Темур ҳам давлат бошқаруви жараёнида машварату маслахат асосида ақли расо ва хушёр кишилар фикри билан ўртоқлашган холда иш юритган. Буни сохибҚироннинг пири Зайниддин Абу Бакр Тойбодий ёзган мактубдан ҳам кўриш мумкин: “Абулмансур (зафарманд) Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал Қилгин, яъни 1) кенгаш; 2) машварату маслахат; 3) Қатъий Қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча Қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жохил одамга Қиёс Қилиш мумкин... Салтанат бошқаришда ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан”. Бу маслахатга амал Қилган Амир Темур “Тузуқлар”ида шундай ёзади: “Хар вақт кенгашчилар йиғилиб, мажлис очилар, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни Қилиш-Қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим”. СохибҚирон ўз сиёсатида узоқни кўзлаб иш тутар, бир ишга киришмай туриб ундан Қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб Қўяр эди. Машваратда иштирок этувчи кенгаш эгалари сўзда собит, ишда чидамли бўлишларига алоҳида этибор берган. Кенгашда ҳам тоза насли вазирлар фикри билан ўртоқлашар эди. Ибн Арабшоҳ ҳам Темур Қанчадан-Қанча дахо ва хуфёна фикру заковатга эга эди, деб ёзади. Темур Кўрагон давлат бошқарувида амал Қилган Қонун-Қоидалар, қуръон ва Чингизхоннинг йўл-йўриқларини татбиқ этиб, уни бажаришда сохибҚироннинг ўзи ибрат кўрсатган. Бу эса халқ хурматини оширган. Биз Темур даврида халқнинг турмуши жуда фаровон бўлган деб айта олмаемиз. Чунки беҳисоб жангу жадаллар солиқларни ошишига сабаб бўлган. Босиб олинган давлат аҳолиси ҳам кўп зарар кўрган. Бироқ адолат шиори остида олиб борилган уруш, Ватандаги моддий ва маънавий мерослар нисбати унга Қараганда юқорида эди. Чунки хаётда Қарама-Қаршилиқлар бирлиги ва кураш Қонуни амал Қилади.

кўйида Амир Темурнинг салтанатни ўз илкида сақлаб туриш учун феодализм даврига хос бўлган, бошқаришда подшоҳнинг Қилиши лозим бўлган хатти-харакатлари ўз аксини топган:

Тажрибамдан синаб билдимки, агар Қай бир подшоҳ шу 12 нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебахра Қолур:

Биринчидан, ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб Қилсин.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, Қошида инсофли, алолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм Қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин.

Учинчидан, бутун мамлакатда буйруқ - фармон бериш ишларида подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим.

Тўртинчидан, подшоҳ ўз Қарорида Қатъий бўлсин.

Бешинчидан, подшоҳ ҳукми ижро этилиши даркор.

Олтинчидан, подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб Қўймасин.

Еттинчидан, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин.

Саккизинчидан, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феъл-аворига Қараб амал Қилмасин.

Тўққизинчидан, подшоҳ сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармониغا ҳеч ким Қаршилиқ Қилишга журъат этолмасин.

Ўнинчидан, подшо нима Қилса, ўз эркича Қилсин, нима деса, сўзида Қатъий турсин.

Ўн биринчидан, салтанатда ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги Қилмасин.

Ўн иккинчидан, подшоҳ мажлис ахлидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб ташқарига ташийдилар.

Бу тузукдан кўриниб турибдики, давлат бошқарувида ҳукмдорнинг маънавияти асосий ўрин тутуди. Эсга оладиган бўлсак, подшоҳнинг 12 хислати “Иккинчи муаллим” ҳисобланувчи Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида ҳам берилган эди. Демак, соҳибқирон Шарқда давлатни бошқариш санъатини ривожлантирган. Уларнинг баъзилари ҳозирги кунимизда амал Қилаётган Қонун-Қоидалар эканлиги кўринади. Масалан, еттинчи ўғитни олиб Қарайлик: подшоҳ салтанат ишларида ҳар кишининг сўзини эшитсин, ҳар кишидан фикр олсин. Эътибор беринг, ҳар киши - бу халқ, демакки, халқ хоҳиши биринчи ўринда туради. Ҳукмдор ўз давлатида осойишталик бўлиши учун халқ фаровон ва подшоҳ билан ҳамнафас бўлишига эришиши лозим. Бунинг учун Қўл остидаги инсонларини ўзига яқин тутиш керак. Амир Темур очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзига ром Қилган эди.

Амир Темур давлатининг барқарорлиги унинг дипломатик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган. Ибн Арабшоҳ ҳам шу нарсага эътиборини Қаратади. У ёзган асарнинг номи ҳам шундан далолат беради.

Масаланинг иккинчи жихати шундаки, амирнинг бундай уддабурунлиги ва бошқалардан салоҳияти устунлиги унинг соҳибқирон унвонига эга эканлигига ҳам бориб тақалмасмикан?

Темур давридаги Мовароуннахр тарихи мураккаблигича Қолган. У давлат арбоби сифатида бундай жараёнда усталик билан олға босган. У хаёти давомида “Ишон - аммо шубха Қил” деган Қоидага асосланиб душманларини енгишга эришган. Ибн Арабшоҳ ёзганидек, Темур хузуридаги кишининг кўз ва юз ишораларин хам сезиб, гапининг чин ёки бўхтон эканлигини тезда билиб олган. Унда раҚиблари ва душманларининг ўй-фикрларини сеза олиш Қобилияти бор бўлиб, керакли махалда кутилмаганда душманига зарба бера олган. Мамлакатни барҚарорлиги феодализм даврида хукмдорнинг аҚлий салохиятига боғлиқ бўлган. Сабаби эса аён. Амир Темурнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти ундан кейинги Ўта Осиё хукмдорларига ибрат бўлиб келди. Лекин уларга амал Қилмаслик оҚибатида Ватанимиз мустамлакага айланиши осонлашди. Темурийлар даврида хам мамлакатнинг бўлиниб кетганлиги, ягона подшоҳ бўлмаганлиги ва суюрғол хамда ота васиятига амал Қилмаслик оҚибатида давлат инҚироз сари юзланди, Европани зир титратган буюк салтанат таназзулга учради. Бунда бош омил халқ манфаатлари билан хисоблашмаслик эди.

Ўрта Осиё давлатчилиги тарихида Амир Темур ва темурийлар даври алохида ажралиб туради. Унинг асосчиси Темур Кўрагон эса сиёсат бобида давлатни бошҚариш борасида ўзига хос ибрат мактаби яратган. Темурнинг давлатни бошҚариш салохиятини тарихчилар юҚори бахолайдилар, уни Наполеоннинг устозига тенглаштирадилар. Тарихий хотиранинг ворисийлик хусусиятига кўра, биз буюк давлат арбоби Амир Темурнинг Қолдирган меъросини ўрганмоҚдамиз ва замон ва маконда амал Қилувчи, мос келувчи тузукларини ўзлаштириб, келажаги буюк давлатимизни Қуришда фойдаланмоҚдамиз.